

Туркистон мухторияти... Темур хоконининг чин болалари ёнинда, туркистонли тубчак турклари орасинда, мундан ўгурли, мундан мукаддас, мундан суюнчли бир сўзни борлигига ишонмайман.

Туркистон туркининг конини кайнатгучи, имонини юксалтгучи бир кувват бор эса, ёлгуз шу сўзда бордир: Туркистон мухторияти.

Элли(к) йилдан бери эзилдик, тахкир этилдик, кўлимиз боғланди, тилимиз кесилди, огзимиз копланди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмурулди, - номусимиз гасб килинди, хукукимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тўзимли турдик, сабр этдик.

Кучга таянган хар буйругга бўйинсундик, бутун борлигимизни кўлдан бердик. Ёлгиз бир фикрни бермадик, яшрунтурдик, эмгақларимизга ўраб сакладик: Туркистон мухторияти! Махкама эшикларидан йиглаб кайтганда, ёруксиз турмаларда ётганда, йиртгучи жандармнинг тепгуси билан йикилганда, юртларимиз ёндурулганда, диндошларимиз осилганда онгимиз йўқолди, миямиз бузилди, кўзимиз ёгдусиз колди, бирор нарсани кўролмадик. Шул чоғда, тушкун рухимизни кўтармақ учун шул коп-коронгу дунёнинг узок бир еринда ойдин бир юлдуз ялкиллаб тура(р) эди. Бирор нарсага ўлмаган кўзимиз шуни кўрар эди. Ул нима эди? Туркистон мухторияти!

Биз аниқ била(р) эдикким, золим Николай хукумати канча яшарса яшасун, адолат ошики бўлган... рус демократияси, хақга таянган бир инкилоб, хар миллатнинг ўз хақларини кайтарур.

Инкилоб бўлди. Русиянинг «кўшма халқ жумхурияти» усули билан идора этилури жарланди. Шул эълон узра ясалган Украина, татар ва бошқа миллатлар мухториятлари тасдиқ этилди. Кўнук Туркистонники эди. Туркистоннинг тарихий хонбаликлариндан иккинчиси бўлган Хўканд шаҳринда тўпланган Туркистон курултойи 27 нўябрнинг «миллий лайлатуркадримиз бўлган» ярим кечасинда Туркистон мухториятини эълон килди.

Лекин шуниси борким, бир миллатнинг мухторияти ёлгуз бир съезднинг эълони билан тамом бўлмас. Мухториятни олмок ва сакламок керақдир. Съезд ўз ишини килди.

Колганлари бутун миллатнинг вазифасидир. Мухториятни сакламоқучун куч лозим. Мухториятни бажармоқучун ақча керақдир. Буларни миллат хозир килсун.

Абдурауф Фитрат